QMMB: 09/26/501/0951-son
18.09.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 17 » sentabr № 501 Toshkent sh.

Педагогларнинг давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ва таҳсил олаётган фарзандларининг тўлов-контракт суммасига чегирма бериш ва эҳтиёжманд оила фарзандларини замонавий касбларга ўқитиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ педагогларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган фарзандларининг таълим олишлари учун қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. **2026/2027 ўқув йилидан бошлаб** ҳар йили давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ҳамда таҳсил олаётган педагогларнинг фарзандлари учун тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида чегирма жорий этилсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Педагогларнинг давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ҳамда таҳсил олаётган фарзандларининг тўлов-контракт суммасига чегирма бериш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

педагогларнинг давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ҳамда таҳсил олаётган фарзандларини аниқлаш тартиби;

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб педагогларнинг давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ҳамда таҳсил олаётган фарзандларининг тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида чегирма қўллаш тартиби;

олий таълим ташкилотларига мазкур чегирилган маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш тартиби.

3. Белгилаб қўйилсинки, педагогларнинг давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган фарзандларининг тўлов-контракт суммасига чегирма жорий этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

QMMB: 09/26/501/0951-son
18.09.2026-y.

Бунда ушбу харажатлар 2027 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида назарда тутилади.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг **2026/2027 ўқув йилидан бошлаб**, талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, тегишли олий таълим ташкилотларида эҳтиёжманд оила фарзандларини дастурлаш, сунъий интеллект, робототехника, ахборот технологиялари ва бошқа касбларга ўқитиш бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган ўқув марказларини (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Марказ ташкил этиладиган олий таълим ташкилотлари ректорлари (директорлари)га олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Марказни ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ харажатларни ҳамда эҳтиёжманд оилалар фарзандларини бепул ўқитиш, жумладан, ўқув жараёнига жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақи (соатбай ҳақ тўлаш асосида) харажатларини қоплашга рухсат берилсин.

5. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритсин.

6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/501/0951-son
18.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “17”сентябрдаги 501-сон қарорига
илова

Педагогларнинг давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ҳамда таҳсил олаётган фарзандларининг тўлов-контракт суммасига чегирма бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб давлат, шу жумладан, молиявий мустақиллик берилган олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этилган ёки таҳсил олаётган педагоглар фарзандларининг тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида чегирма бериш ҳамда мазкур чегирилган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом олий ҳарбий, ҳарбийлаштирилган таълим ташкилотларига Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорижий олий таълим ташкилотлари ҳамда уларнинг филиалларига ва нодавлат олий таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

педагог – таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида Педагогик фаолият билан боғлиқ лавозимлар рўйхатига киритилган лавозимларда касбий фаолиятни амалга оширувчи жисмоний шахс;

педагог фарзандлари – Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланган (ёки республикада доимий яшаётган, фуқаролиги бўлмаган), асосий иш фаолияти педагог бўлган ота ёки онанинг фарзанди бўлган олий таълим ташкилотида тўлов-контракт асосида (қўшимча ва табақалаштирилган тўлов-контракт бундан мустасно) бакалавриат босқичи кундузги таълим шаклига талабаликка тавсия этилган абитуриент(лар) ёки таҳсил олаётган талаба(лар) (хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида ва факультетларида таълим олаётган талабалардан ташқари);

тўлов-контракт шартномаси – давлат, шу жумладан, молиявий мустақиллик берилган олий таълим ташкилоти ва талаба (абитуриент ёки унинг қонуний вакили) ўртасида таълим хизматларидан пулли асосда фойдаланиш бўйича тузиладиган шартнома;

тўлов-контракт суммаси – Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси ҳамда молиявий мустақиллик берилган олий таълим ташкилотлари томонидан тасдиқланган таълим йўналишлари бўйича битта талабани базавий тўлов-контракт асосида бир йиллик ўқитиш қиймати;

чегирма – педагог фарзандларининг тўлов-контракт суммасига нисбатан тўлов-контракт шартномасини расмийлаштириш жараёнида қўлланадиган имтиёз;

чегирилган маблағ – педагог фарзандларининг тўлов-контракт суммасига нисбатан 30 фоиз миқдорида қўлланган чегирма суммаси;

махсус ахборот тизими – Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг "Олий таълим тизимида тўлов хизматларини ягона ҳисобрақами орқали қабул қилиш ва тақсимлаш ҳамда молиявий ҳисоботларни юритиш ахборот тизими" (kontrakt.edu.uz).

3. Педагог фарзандларининг тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида чегирма қўлланади ҳамда ушбу чегирилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

4. Педагог фарзандларига мазкур чегирма ўқув йилида бир маротаба педагог отаси ёки педагог онаси учун қўлланади.

Педагогнинг бир нечта фарзанди давлат олий таълим ташкилот(лар)ида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган бўлса, уларнинг ҳар бирига алоҳида чегирмалар қўлланади.

5. Талаба (абитуриент) педагогнинг фарзанди эканлиги ёки унинг отаси (онаси) мазкур мақомдан чиқарилгани Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг тегишли ахборот тизими орқали Педагогик фаолият билан боғлиқ лавозимлар рўйхатига киритилган лавозимда фаолият юритаётгани тасдиқланган тақдирда, эътироф этилади.

6. Давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ҳамда таҳсил олаётган педагог фарзандларининг тўлов-контракт суммасига чегирма бериш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети ҳисобидан ушбу Низомга 1-иловадаги схема бўйича қоплаб берилади.

2-боб. Педагоглар фарзандларини аниқлаш ва уларнинг рўйхатини шакллантириш

7. Педагог фарзандлари умумий тартибда ўқув йили учун тўлов-контракт шартномаси олиш юзасидан махсус ахборот тизими орқали ариза юборади.

8. Аризани кўриб чиқиш жараёнида ариза берувчининг педагог фарзанди эканлиги белгиланган тартибда "Рақамли ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграциялашув платформасидан олинган маълумотлар асосида тасдиқланганда, тўлов-контракт шартномасини шакллантириш босқичида ўқув йили учун белгиланган тўлов-контракт суммасига 30 фоизлик чегирма автоматик тарзда қўлланилади.

QMMB: 09/26/501/0951-son
18.09.2026-y.

Чегирма қўлланган тўлов-контракт шартномалари ҳисоби алоҳида юритилади.

3-боб. Педагоглар фарзандларига чегирмалар беришни расмийлаштириш

9. Давлат олий таълим ташкилотининг регистратор офиси ёки тўлов-контракт шартномаларини расмийлаштиришга масъул бўлган бўлинмаси (кейинги ўринларда – масъул бўлинма) икки иш куни мобайнида электрон тарзда юборилган аризани “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформасидан олинган маълумотлар асосида кўриб чиқади ва ушбу Низом талаблари асосида шартномани шакллантиради ёки аризани рад этиб, қайта ишлашга юборади.

10. Шакллантирилган шартнома қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат олий таълим ташкилоти ҳамда талаба (абитуриент) томонидан электрон тарзда тасдиқланади.

11. Педагоглар фарзандларига махсус ахборот тизими орқали давлат олий таълим ташкилоти ҳамда талаба (абитуриент) томонидан имзоланган ҳамда чегирма қўлланган шартнома электрон тарзда тақдим этилади.

Бунда шартномада тўлов-контракт асосида бир йиллик ўқитиш миқдори, ушбу миқдорга нисбатан қўлланган 30 фоизлик Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериладиган чегирма суммаси ҳамда талаба (абитуриент) томонидан тўланадиган суммалар акс эттирилади.

4-боб. Чегирилган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаш

12. Давлат олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этилган ҳамда таҳсил олаётган педагоглар фарзандларининг тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорда чегирма қўллаш билан боғлиқ харажатлар учун маблағлар ҳар йили марказлаштирилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиси сифатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратилган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан мазкур мақсадлар учун ажратилган маблағлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очиладиган алоҳида шахсий ҳисобварағида кўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига мазкур мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар бўйича харажатлар сметасини тузиш, тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш ва унга ўзгартиришлар киритиш бюджет қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

QMMB: 09/26/501/0951-son
18.09.2026-y.

13. Давлат олий таълим ташкилотлари томонидан ҳар ўқув йилининг 10 апрелига қадар тақдим этилган педагоглар фарзандлари рўйхатига асосан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ўн иш куни ичида тегишли маблағларни давлат олий таълим ташкилотларининг шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиш юзасидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига сўровнома тақдим этади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда маблағлар ҳар йили 1 майга қадар тегишли давлат олий таълим ташкилотларининг бюджет маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ажратилади ҳамда бюджет тизими бюджетлари харажатларининг иқтисодий таснифи бўйича 48 21 190 "Бошқа харажатлар" харажатлар моддасида бир сатрда акс эттирилади.

14. Педагоглар фарзандлари учун ажратилган маблағлар давлат олий таълим ташкилотлари томонидан ўзларининг бюджетдан ташқари (тўлов-контракт) маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади, сўровномада шакллантирилган рўйхат бўйича талабаларга бириктирилади ва белгиланган тартибда сарфланади.

15. Педагоглар фарзандларига ўқув йили учун тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида бериладиган чегирмани қоплаш учун давлат олий таълим ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар етарли бўлмаган тақдирда, улар белгиланган тартибда идоравий мансублигига кўра тегишли вазирлик ва идораларга қўшимча бюджет маблағлари ажратилиши юзасидан мурожаат қилади.

16. Педагоглар фарзандларига ўқув йили учун тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида бериладиган чегирма суммаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан таълим йўналишлари бўйича белгиланган тўлов-контракт (стипендиясиз) қийматига 30 фоиз эквивалент ҳисобида қопланади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

17. Давлат олий таълим ташкилоти ректори (филиал директори) педагоглар фарзандларига ўқув йили учун таълим йўналишлари бўйича белгиланган тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида бериладиган чегирма суммасини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан белгиланган тартибда қоплаб бериш учун масъул ҳисобланади.

18. Педагог фарзандларига тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида бериладиган чегирма суммасини тўлиқ қоплаб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар давлат олий таълим ташкилотининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

QMMB: 09/26/501/0951-son
18.09.2026-y.

19. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши назорати вазирлик ва идораларнинг ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ҳамда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

20. Педагог фарзандларининг отаси ёки онаси педагог тоифасидан чиқарилган тақдирда, кейинги ўқув йилидан бошлаб унга чегирма қўллаш тўхтатилади.

21. Педагог фарзандларига чегирмалар тўғри белгиланишини доимий назорат қилиш давлат олий таълим ташкилоти ректори (филиал директори), масъул бўлинма бошлиғи, бош бухгалтери ва бош аудитори зиммасига юкланади.

22. Талабаларга чегирма нотўғри қўлланганда, давлат олий таълим ташкилотининг масъул бўлинмаси ҳамда бухгалтерияси томонидан чегирма қўлланган тўлов-контракт шартномаси қайта кўриб чиқилади, унга тегишли ўзгартириш киритилади ҳамда чегирилган маблағлар тўлаб берилган ҳолларда ушбу маблағларни қайтариш чоралари кўрилади.

23. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

24. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

QMMB: 09/26/501/0951-son
18.09.2026-y.

Педагогларнинг давлат олий таълим ташкилотларига
ўқишга кирган ҳамда таҳсил олаётган
фарзандларининг тўлов-контракт суммасига чегирма
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

Педагогларнинг давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ҳамда таҳсил олаётган фарзандлари тўлов-контракт суммасига чегирма бериш билан боғлиқ харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Талаба	Махсус ахборот тизими орқали тўлов-контракт шартномасини олиш бўйича ариза юборади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Давлат олий таълим ташкилотининг тўлов-контракт шартномаларини расмийлаштиришга масъул бўлган бўлинмаси	Электрон тарзда юборилган аризани “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформасидан олинган маълумотлар асосида кўриб чиқади ва Низом талаблари асосида шартномани шакллантиради ёки аризани рад этиб, қайта ишлашга юборади.	2 иш кунида
3-босқич	Давлат олий таълим ташкилотлари	Педагоглар фарзандларига ўқув йили учун тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида бериладиган чегирмани қоплаб бериш учун педагоглар фарзандларининг рўйхатига мувофиқ ҳисоб-китобларни Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига юборади.	Ҳар ўқув йилининг 10 апрелига қадар
4-босқич	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	Давлат олий таълим ташкилотлари томонидан тақдим этилган педагоглар фарзандлари рўйхатига асосан тегишли маблағларни олий таълим ташкилотларининг бюджет маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиш юзасидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига сўровнома тақдим этади.	10 иш кунида

5-босқич	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Белгиланган тартибда маблағларни тегишли давлат олий таълим ташкилотларининг бюджет маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказади.	Ҳар ўқув йили учун 1 майга қадар
6-босқич	Давлат олий таълим ташкилотлари	Педагоглар фарзандлари учун ажратилган бюджет маблағлари бюджетдан ташқари (тўлов-контракт) маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказади, сўровномада шакллантирилган рўйхат бўйича талабаларга бириктиради ва белгиланган тартибда сарфлайди.	Белгиланган муддатларда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1